

Холмирзаев Жуманазар Эргашевич
Жиззах давлат педагогика институти География ва
иқтисодий билим асослари кафедраси ўқитувчиси.

ГИДРОГРАФИК ТАРМОҚЛАРНИНГ ХУДУДИЙ ШАКЛЛАНИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).

***Аннотация.** В статье анализируется роль региональных географических закономерностей в формировании гидрографических сетей Джиззакской области.*

Ключевые слова: географические факторы, географическое положение, климат, орографические и водные ресурсы.

***Annotation:** This article analyzes the role of regional geographical laws in the formation of hydrographic networks of Jizzakh region.*

Key words: geographical factors, geographical location, climate, orographic and water resources.

Кириш. Табиатда нарса ва ходисалар доимий ўзгаришда, ўзаро алоқадорликда, боғлиқликда, бир-бирига ўтиб туради. Оламда ўзгармайдиган, доимий бўлган бирон-бир нарсани топиш мумкин эмас. “Оқиб турган дарёнинг суви доимий янгиланиб туради, шунинг учун бир дарёнинг суви ўзига икки маротаба тушиши мумкин эмас” (Арасту). Яратилган неъматлари орасида сув алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у тириклик манбаидир. Бугунги кундаги табиий офатлар, сув тошқинлари, сув етишмовчилиги, сув ресурсларининг ифлосланиши ва трансчегаравий сув муаммолари дунё халқларини яна бир бор сув ресурсларига нисбатан жиддий эътибор беришга ундамоқда. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Жиззах вилояти мамлакатимизнинг қулай табиий-иқтисодий географик ўринга эга ҳудудларидан бири ҳисобланади. Табиий географик жиҳатдан Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди зонасида, иқтисодий географик томондан эса марказда жойлашганлиги, ҳудуднинг ижтимоий иқтисодий ривожланишида кўплаб имкониятларни яратади. Айниқса вилоятнинг гидрографик тармоқларининг ҳудудий шаклланиш қонуниятларида табиий географик омиллар

муҳим аҳамият касб этади. Ҳусусан, вилоятнинг табиий гидрографик тармоқлари бир қанча олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, мазкур соҳадаги дастлабки тадқиқотлар В.Л.Шульц, Р.Машраповлар томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик Д.Ю.Юсупова, В.Е.Чуб, Ю.Н.Ивановлар томонидан давом эттирилган. Охириги йиллардаги тадқиқотларда Жиззах вилоятининг Зоминсув, Сангзор дарёлари ва уларнинг нисбатан йирик ирмоқлари ҳисобланган Галдираут, Можармсой кабиларнинг оқим кўрсаткичлари баҳоланган (В.Е.Чуб, 2007; Ю.Н.Иванов, 2010). Лекин, ушбу тадқиқотларда вилоятнинг гидрографик тармоқларининг ҳудудий шаклланиш қонуниятлари масалалари алоҳида кўриб чиқилмаган.

Вилоятнинг табиий сувлари: булоқ, сой, дарё, кўл, ер ости сувлари, географик ўрин, рельеф, иқлим ва иқлимий омиллари ишнинг тадқиқот **объекти** ҳисобланади.

Ушбу ишнинг асосий мақсад ва вазифалари. Жиззах вилояти гидрографик тармоқларининг ҳудудий шаклланишида географик қонуниятларнинг ўрни ҳамда сув объектларининг гидрологик режими ва ландшафтларга таъсирини ўрганишдан иборатдир. Ҳудудда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг миқдорий жиҳатдан камайишини сақлаш, ифлосланиш ва минераллашиш даражаси ортиб кетишининг олдини олиш муаммолари долзарб ҳисобланади. Мазкур муаммо туфайли вилоятда сув ресурслари ва атроф-муҳит муҳофазасига таалуқли бир қанча **вазифалар** ўрганилади:

- вилоятда сув ресурсларини миқдоран тежаш ва сифат жиҳатдан муҳофаза қилиш;
- табиий ва антропоген омиллар таъсирида уларнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш;
- амалга оширилаётган сув хўжалиги тадбирларини (мелиорация, ирригация, гидроэнергия, сув ресурсларини ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш кабилар)ни иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан асослаш учун керакли гидрологик маълумотлар билан таъминлашнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда сувнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, ҳар қандай ҳудудда сув ресурсларининг шаклланиши табиий шароити билан чамбарчарс боғлиқдир. Нарса ва ҳодисаларнинг доимий ўзгариб, ривожланиб туришининг манбаи қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва уларнинг ўзаро курашишидадир. Совуқлик исийди иссиқлик совийди, намлик қурийди, қуруқлик намланади ва ҳ.к. Шунинг учун ҳар бир мавжуд нарсага маълум томондан ёндашиш зарур. Ҳусусан, Жиззах вилояти сув ресурсларининг ҳосил бўлишида жойнинг табиий географик қонуният (географик ўрин, геоморфологик, метеорологик каби) лари муҳим ўрин эгаллайди. Дарёлар, кўллар, сув омбор, ер ости сувлар ва музликлари вилоятнинг ягона давлат сув фонди ҳисобланади. Ҳудудда гидрографик тармоқларнинг ҳосил бўлишида уч географик омил географик ўрин, релеф, иқлим омиллари минтақанинг гидрографик динамикаси ва ривожланишини белгилаб беради. Жиззах вилоятининг ўзига хос гидрологик хусусиятлари бор. Жумладан, ҳудудда барча қуруқлик гидрографик тармоқларини кўриш мумкин; уларга дарё, кўл, сув омбор, селхона, канал, ва ер ости сувларини киритишимиз мумкин. Мазкур гидрографик тармоқлар эса вилоятни сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Жиззах вилояти мамлакатимизнинг қулай географик ўринга эга бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Табиатда ҳамма нарса табиий сабабларга кўра рўй беради. Ҳаракат маълум даврда рўй берадиган тарихий ўзгаришлардан иборат. Табиий географик жихатдан вилоят Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди зонасида, иқтисодий географик томондан эса марказда жойлалшганлиги билан ажралиб туради бу эса ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кўплаб имкониятларни яратади. Вилоят ҳудуди Мирзачўл, Қизилқум ва Зарафшон табиий географик ўлкаларининг маълум бир қисмларини ўз ичига олади. Гидрологик жихатдан Сирдарё ва Зарафшон дарё ҳавзалари оралиғида

жойлашган. Бу эса вилоят ички сувларини таъминлашда асосий мезон бўлиб ҳисобланади.

Жиззах вилоятнинг умумий майдони 21.2 минг км² бўлиб, ғарбдан-шарқга 182.5 минг кв км, шимолдан жанубга 175 минг кв км га чўзилган. Маъмурий жиҳатдан жануб ва жануби-шарқда Тожикистон давлати билан, жануби-ғарб ва ғарбда Самарқанд, Навоий вилоятлари, шимол ва шимоли-шарқда Қозоғистон давлати ва шарқда Сирдарё вилоятлари билан чегарадош. Вилоят чегараларининг умумий узунлиги 760 км дан ортиқ бўлиб, Қозоғистон давлати билан 200 км, Тожикистон давлати билан 190 км, Самарқанд вилояти билан 195км, Сирдарё вилояти билан 100 км, Навоий вилояти билан 85 км дан ортиқроқ масофани эгаллайди. Вилоят ҳудуди Туркистон, Молгузар, Нурота тоғ тизмалари, тоғолди минтақалари, Мирзачўл текисликлардан иборат. Тоғ тизмаларининг шимоли-ғарбий, шимолий ёнбағирларида арчазорлар ва ўтлоқлар жойлашган. Бу жойларда катта илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган кўриқхоналар (Зомин тоғ-арчазор кўриқхонаси, Нурота тоғ-ёнғокзор кўриқхонаси), миллий боғ (Зомин миллий боғи) ва буюртмалар (Арнасой буюртмаси) жойлашганлиги анча аҳамиятлидир. Вилоят гидрологиясининг муҳим хусусиятларидан бири, табиий компонентларнинг тузилиши ва ривожланиши билан ўзаро яқин боғлиқликда ва чуқур алоқадорликдаки, алоҳида табиат ходисаси ҳисобланмиш бир бутунликни, яхлитликни ҳосил қилган. Шу билан бирга вилоят ҳудудининг геоморфоогияси мураккаб ҳудудий табақаланган бўлиб, турли катта-кичикликдаги рельеф шакллари ва табиий географик комплекслардан ташкил топган. Бу ўз навбатида ҳудуднинг гидрологик режими бошқа асосий компоненти бўлган атмосфера, ер пўсти, ўсимлик билан қопланганлик, ҳайвонот олами ва тоғ жинсларига тўғридан-тўғри таъсир этишнинг табиий географик маҳсули ҳисобланади. Вилоятда сув ресурсларнинг тарқалиш қонуниятларида ҳаво компоненти ҳаракатчан ва аралашувчандир. Ҳудуднинг жойлашиш қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда сув ресурси ҳаво каби бошқа компонентлар (тоғ жинслари, тупроқ, ўсимлик,

хайвонот) таркибига кириб бориб, ландшафтлараро модда ва энергия алмашилиш жараёнида фаол ташувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун сувнинг компонент сифатидаги ёки ўзига хос модда сифатидаги тавсифидан кўра унинг омил сифатидаги, яъни оқим ҳосил қилиб иш бажарувчи сифатидаги тавсифи аҳамиятлироқдир. Вилоятда сувнинг оқим ҳосил қилиши табиий географик тизимларга, шу жумладан ландшафтлар ҳосил бўлишида муҳим омил вазифасини бажаради. Сув ресурсларининг шаклланишида рельеф пластикасининг умумий кўринишига қарайдиган бўлсак, вилоятнинг жанубий қисми тоғлардан, шимолий қисми текисликлардан иборат бўлиб, шимолдан жанубга қараб аста-секинлик билан зинапоясимон кўтарилиб боради, яъни жанубий қисм сув йиғувчи ҳавза, шимолий қисми эса сарф қилувчи ҳудуд сифатида намоён бўлади. Бу эса иқлимий омилларнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқаради. Бинобарин, табиий географик омилларнинг энг кучлиси “ҳаракатлантирувчи кучлар” ҳисобланади, “ҳаракатлантирувчи кучлар” сифатида вилоятда иқлимий омилларни айтиб ўтишимиз мумкин. Иқлим эса ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб табиий географик комплекснинг кўламига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Бу эса вилоятнинг текислик, тоғли ва тоғ олди гидрографик ҳудудларида иқлим ходисалари ҳаракатлантирувчи кучлар сифатида намоён бўлади. Вилоят ҳудудида ҳаво ҳарорати жуда юқори кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Ёзи иссиқ, қиш совуқ бўлади. Ёзда ҳаво ҳароратининг энг юқори кўрсаткичи июн, июль, август ойлари оралиғида кузатилади (+47, +48°C). Қишда эса энг юқори кўрсаткич - 33°C ни ташкил этади. Вилоятнинг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 10°C - 14°C атрофида бўлади. Совуқсиз кунлар даври 200-220 кун бўлса, шимолида бу кўрсаткич биров камаяди. Охири баҳорги совуқ тоғолди зоналарида 22- 28 октябрга тўғри келади. Атмосфера ёғинларининг ўртача йиллик кўрсаткичи турли метеорологик станциялар маълумотлари бўйича 276 мм дан 446 мм гача, ёғиннинг асосий қисми қиш ва баҳор ойларида тўғри келади. Вилоят ҳудудида ёз-куз ойларида энг кам ёғин тушади. Ёзнинг нисбий

ҳаво намлиги 26-27 фоиздан, 46-47 фоизгача бўлади. Шунинг учун бу даврда тупроқ юзасидан буғланиши 450-460 мм гача бўлиб, буғланиш йиллик ёғин қатламидан бир неча баробар ортиқ кузатилади. Вилоят ҳудудида қор қопламининг қалинлиги 15-30 см, тоғли ҳудудларнинг айрим жойларида 1 м ва ундан катта. Бу қорлар март ойида, баъзан, баландроқ жойларда эса май ойигача эримай туради. Йил бўйи шамол кўпроқ шимол, шимоли-шарқ ва шимоли-ғарбдан эсади. Вилоятнинг жануби-шарқий қисмидаги (Ғубдинтоғ ва Қароқчитоғ) тоғлар атрофида шамол тезлиги баъзан секундига 28 м гача этади. Вилоят ҳудудида жойлашган Жиззах, Дўстлик, Ғаллаорол, Лалмикор, Бахмал ва Янгиқишлоқ метеорологик станцияларда кузатилган ҳаво ҳарорати ва ёғин миқдорлари маълумотлари асосида вилоятнинг иқлим шароити ўрганилди.

Ландшафтда қайси бир компонент энг кучли ўзгаришни бошидан кечираётган бўлса, ўша компонент ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Хусусан вилоятнинг шимолий қисми очик, жанубий қисми баланд тоғлар билан ўралганлиги, шимолдан совуқ анциклон ҳаво массалари тўғридан-тўғри жанубий қисмигача кириб бориб, бир неча кун туриб қолади, иқлимнинг совуб кетишига сабаб бўлади, натижада ёғин миқдори ортиб, тоғларда ёмғир, қор ва музликларнинг ҳосил бўлишини таъминлайди. Бу биринчидан, вилоят ҳудудининг жануб ва шарқ қисмлари тоғ билан ўралганлиги бўлса, иккинчидан, унинг шимол ва ғарб томонлари очик текисликларга эгаллиги билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳудудга шимолий совуқ Арктика ҳаво массалари йил давомида кириб келади. Ундан ташқари жанубдан иссиқ тропик ҳаво массалари кириб, қишнинг совуқ ҳавосини бир оз юмшатиб туради. Вилоят тоғ ва тоғ олди ҳудудларининг шифобахш иқлими, бетакрор табиати, умумий манзараси ва бир қатор шифобахш сув манбалари, жумладан, булоқлари учун бу минтақада рекреация зонасини барпо этиш ҳамда туризмни янада ривожлантириш имконини беради.

Вилоят сув ресурсларининг географик тарқалиш қонуниятларидан яна муҳим жihatларидан бири шу жойнинг орографик-геоморфологик тузилиши

хисобланади. Худуднинг табиий сув ҳавзалари нотекис тарқалган. Нотекис тарқалиши эса жойнинг рельеф-геоморфологик тузилиши ҳамда ер ости тупроқ қатламининг жойлашиш структураларига бевосита боғлиқдир. Вилоятнинг шимоли, шимолий - ғарб ҳамда қисман шарқий томонлари пасттекисликлардан иборат. Релефи тоғли ёнбағирлари эса текисликларга қўшилиб кетганлиги билан ажралиб туради. Туркистон, Молгузар, Ғубдин, Қароқчитоғ Қўйтош ва Нурота тоғлари ёнбағирлари вилоят ҳудудининг каттагина қисмини ташкил этади. Паст тоғлар асосий тоғли ҳудудининг охириги қисмларидир. Текислик ва тоғ (геопара) лар оралиғида ўзига хос ландшафт зоналари шаклланган. Тоғларда баландликни камайиши билан улар майдаланиб бир неча қисмларга ажралиб кетади. Жиззах вилояти тоғ, тоғ олди ва Мирзачўл текисликларидан иборат бўлиб, улар вилоятни рельефи ва геологик тузилишининг яхлит қисмини ташкил этади. Тоғли ўлкаларда гидрографик шахобчалар симметрик ва ассиметрик тарзда шаклланган бўлса, текислик қисмда эса анча сийрак жойлашган. Бу эса вилоятнинг рельеф формаси тектоник жihatдан анча нисбий эканлигини англатади. Вилоятнинг жанубий қисми 4000 метргача баланд минтақалашган зонани ташкил қилса, шимолий қисми текислик шимолий-ғарбга нишаб бўлиб, ер ости ва ер усти сувлари шимолга қараб ҳаракатланади, бу эса Республикада энг катта ташлама сизот сувлардан ҳосил бўлган Айдар-Арнасой кўллари ҳосил қилган. Вилоятнинг шимолий қисми Мирзачўл текислигининг кенг текислик, жануби тоғ олди баландликлари ҳамда ботиқликларга эга бўлган ўзига хос ўзаро генетик боғлиқ рельефи бўлиб, кўпинча бу генетик боғлиқлик олиб бориладиган геоморфологик тадқиқотларда қарама-қарши фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Чунки ҳудуднинг асосий нишаблиги деярли оқимсиз, ниҳоятда улкан ботиқсимон майдонга йўналган. Сирдарёнинг суви қадимдан мана шу ботиққа сизиб чиқади. Вилоятнинг ер ости сувлари текислик қисмининг юзасида жойлашган. Тоғолди текисликларида кучли буғланиш натижасида тупроқ шўрланган. Вилоятнинг ана шу сизот сувлардан (табиий

ёгинларни ҳам қўшганда) ҳар йили қарийб 145-190 минг тонна тузни шимиб ютади. Табиий нишаб деярли йўқлигидан, ҳар йили 5 минг тоннага яқин тузни чиқариб ташлайди. Бугунги кунда вилоятнинг тоғ ва тоғолди зоналарини гидрологик жихатдан пухта ўрганилишни тоқозо этади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларининг катта қисми умумий майдонининг қарийб 14 фоизи (302.9 минг га) ўрмонлардан иборат. Ўрмонларнинг тупроқлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишда ҳамда рекреацияда аҳамияти жуда каттадир. Вилоят ҳудудида 6 та ўрмон хўжалиги, 3 та кўриқхона ва Зомин миллий ҳиёбони жойлашган.

Вилоятда таркиб топган табиий гидрографик тармоқларга Сангзор ва Зоминсув дарёлари ва бир қанча қор ва ёмғир сувларидан тўйинувчи сой-булоқларни ҳамда табиий чуқурликда жойлашган Республикадаги энг катта кўллардан Айдар-Арнасой кўллар тизимини киритишимиз мумкин. Вилоятнинг антропоген йўллар билан ҳосил бўлган (сунъий) гидрографик тармоқларига еттита сув омборлари (Жиззах, Қоровултепа, Зомин, Сармич, Новқа, Хўжамушкент, Арнасой) ва четдан асосий сув кириб келувчи (Жанубий Мирзачўл, Туятортар) каналларни киритиб ўтишимиз мумкин.

Вилоят ҳудудида қадимдан сув танқислиги мавжуд. Бунинг асосий сабаби миллион йиллар давомида ўлканинг мана шундай табиий шароит (иқлимий ва орографик) қонуниятларининг ҳосил бўлганлигидир. Шу сабабли вилоятда сув ресурсларига бўлган талабни тўла қондириш мақсадида қадимдан, маҳаллий сув ресурслари билан бир қаторда четдан келтирилган сувлардан ҳам кенг миқёсда фойдаланилган. Вилоятга энг яқин бўлган Сирдарёдан Жанубий Мирзачўл ва Зарафшондан Туятортар каналлари орқали сув келтирилади бу эса вилоятда сувга бўлган талабнинг қарийб 90 фоизини таъминлайди. Ҳозирги кунда вилоятда суғоришга яроқли ер заҳираларининг кўплиги ва уларнинг жадал суръатларда ўзлаштирилиши сувга бўлган эҳтиёжнинг янада ортишига сабаб бўлмоқда. Вилоятда ўзининг табиий сув манбаларидан ҳосил бўладиган сув баланси миқдори жуда ҳам кам бўлганлиг сабабли сувдан тежамкорлик билан

оқилонга фойдаланишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида вилоятдаги мавжуд сув объектларини ҳар томонлама илмий ўрганишни талаб этади.

Ишга хулоса сифатида ҳаракатчан компонент ҳисобланган сув ресурси, геотизимларининг ички қисмларини бир-бири билан ва ташқи муҳит билан боғловчи компонентлар ҳисобланади. Вилоятда гидрологик қонуниятларнинг таркиб топишида намликнинг алмашилиш жараёни - атмосферага намликни кириб келиши, унинг ҳаво массалари билан кўчиб юриши, ёғин - сочин, оқим ҳосил бўлиши ландшафтларнинг яшашида кўп турли вазифаларни бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ., Айтбаев Д.П. Гидрология асослари. – Т.: “Университет”, 1995.
2. Ҳақимов Қ.М., Адилова О.А., Жиззах вилояти географияси. – Т.: 2015.
3. Жиззах вилояти сув хўжалиги вазирлигига қарашли “Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси” маълумотлари. 2019.
4. Алимкулов Н.Р. Сангзор водийсининг ландшафт-экологик шароитининг антропоген омиллар таъсирида ўзгариши, 81-82б, 2013й.
5. Ж.Туленов., Г.Туленова., К.Туленова. Фалсафа . -Тошкент.:2016й